

ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ ВА ИЖРОЛАРИ ҲАҚИДА

Тўхтасин Ражабов Ибодович

БухДУ. Мусиқа таълими кафедраси п.ф.ф.д.(PhD)

доцент

АННОТАЦИЯ

Мақолада халқ қўшиқларининг ижро йўддари унинг тарихий тарақиёти. Ўзбек халқ қўшиқларининг баъзи наъмуналари эса фақат болалар ижрочилиги билан боғлиқ жиҳатлари. Болалар қўшиқ ижрочилиги катталар қўшиқ ижрочилигидан фарқи ва ўзбек халқ қўшиқлари ўзига хос ижрочилик усуллари, ҳарбир маҳаллий услубнинг ижроси ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни.

Калитсўзлар. Халқ қўшиқлари, усул, ритм, маҳаллий услублар, қўшиқларнинг тарихи, болалар ва катталар қўшиқ ижролари.

Annotation: The performance of folk songs in the article is its historical development. Some examples of Uzbek folk songs are only related to children's performances. The difference between children's singing and adult singing and the specific methods of performance of Uzbek folk songs, the performance of each local style and their role in educating young people.

Keywords. Folk songs, method, rhythm, local styles, history of songs, children's and adult song performances.

Ўзбек халқ қўшиқларини кузатиш шуни кўрсатадики, ўзбекларда терма ва қўшиқ ижрочиларининг кўпчилиги хотин-қизлардир. Бу қўшиқларнинг мазмунидан, табиатидан, баъзи ибораларидан илғаб олиш мумкин. Бундай қўшиқларнинг мазмунидан кўпинча хотин-қизларнинг турмуш даражаси ва ижтимоий ҳолатини англасак бўлади. Аксаран, ўзбек халқ қўшиқларининг алла, ёр-ёр, келин салом, кашта ва чарх қўшиқлари каби турлари фақат хотин қизлар томонидан ижро этилади. Уларни эркаклар ва болалар деярли қуйламайдилар. Дехқончилик билан боғлиқ қўш қўшиқларини эса фақат эркаклар қуйлайди. Чунки бу қўшиқлар далада қўш ҳайдаш ва хирмонни янчиш чоғида қуйланади. Қўшиқлар ижроси аслида алоҳида мутахас сислашувни талаб қилмайди. Ҳар ким томонидан иш устида, кўпчилик олдида ёлғиз пайтда, умуман, ҳар қандай шароитда ва муҳитда қуйланади. Ўзбек халқ қўшиқлари ижрочиларининг жинсига қараб ўзаро фарқланишини юқорида таъкидлаб ўтдик. Ўзбек халқ қўшиқларининг баъзи наъмуналари эса фақат болалар ижрочилиги билан боғлиқдир. Бундан кўринадики, ўзбек халқ қўшиқчилари ижрочиларининг нафақат жинсига кўра, балки ёшига кўра ҳам фарқланар экан.

Болалар қўшиқ ижрочилиги катталар қўшиқ ижрочилигидан бирмунча фарқ қилади. Бинобарин, болалар қўшиқларида сўз куй ва ҳаракат омухталиги ҳамisha сақланиб қолади. Болалар қўшиқларининг барчаси ҳаракат билан омухталашган бўлади. Бироқ бу ҳаракатлар рақс саналмайди. Чунки рақс – бу санъат кўринишларидан бўлиб, унинг юзага чиқишида ўзига хос маҳорат талаб этилади. Болалар халқ қўшиқларидаги ҳаракатлар эса мазкур қўшиқ мазмунидан келиб чиқиб бажариладиган болалар ўйинларининг белгиларидир.

Маълумки, Хоразмда халқ оғзаки ижодида халфачилик санъати мустақил тур сифатида кенг тарқалган. У ўзининг бой анъналарига, тарихиваўзига хос хусусиятларига эга. Халфачилик санъати асосан аёллар орасида кенг тарқалган боис, ижро матн ва ғоявий-бадий хусусиятларига кўра хилма-хилликка эгадир. Халфачилик аёллар фольклори бўлиб, “ичкарида” ижро этилиши, ансамблнинг унча катта бўлмаслиги репертуарининг кўпроқ турли мавзулардаги халқ қўшиқлари, лапарлари, дуетлар (айтишувлари) шунингдек, Хоразм ишқий романтик (“Гўрўғли”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Бозиргон”, “Саёт ва Ҳамро”, “Хирмон Далли”) дostonларидан олинган парча-қўшиқлар, ҳазил- мутойиба, оилавий-маиший мавзулардаги лирик ашулалардан ташкил топади. Халфачиликнинг муҳим томонларидан бири шуни, унга халқ оғзаки ижоди асарларининг анъанавий ижро хусусиятлари билан замонавий ижрочилик нормалари ўзаро уйғунлашиб, натижада ўзига хос янги оралик бир ижро усули пайдо бўлади. Халфачиликда ижро этиладиган асарлар, албатта, куй ва соз жўрлигида, ҳатто кўпинча ҳаракат(рақс) билан куйлаб айтилади. Улар ўз куйининг ранг-баранглиги, ижро услубининг шўх ва кўтарингкилиги билан алоҳида ажралиб туради. Халфачиликда устоз халфаларини кўплаб етиштирган, улар матн куй ижросида натижада эл орасида машҳур бўлиб эътибор қозондилар. Элнинг хусусан хотин-қизлар дard-у аламлари, хасрат-надоматлари бошларига тушган кулфат-у дил изтиробларини муҳаббат ва садоқат, оила ва тарбия, яхшилик, эзгулик, инсонийлик туйғуларини ифодалашлари билан халфалар оғзаки ижоднинг бу турини ўзига хос санъат даражасига кўтардилар. Бунинг далили сифатида машҳур Онабиби (ожиза бўлган) халфа, Сорабиби халфа, Апош халфа, Маҳфира халфа ва бошқа машҳур санъаткор халфаларни кўрсатиш мумкин. Ҳозирда эса бу устозларнинг анъаналарини давом эттириб эл-юртга сидқи дилдан сози-сўз билан хизмат қилиб келаётган Анажонбиби халфа, Зухра халфа каби халфалар бир мунча муассасалар қошига бирикиб маданий-маърифий тадбирларнинг асосий иштирокчиларига айландилар. Халфалардан иборат халфачилик дасталарининг пайдо бўлиши эса бу санъатнинг яшовчанлигини кўрсатувчи муҳим далилдир. Халфачиликда ижрочилар хилма-хил мусиқа асбобларидан маҳорат билан фойдаланадилар ва ижрода бу мусиқа асбоблари ўзаро бир-бирига мос тушади. Бинобарин, соз(гармон) ёки

(аккордион), доира каби мусиқа асбоблари халфачиликда доимий қўлланади. Бугунги кунда халфачилик санъати таркибининг кенггайиб бориши, мусиқий асбобларининг қўлланилиши, ижронинг тор доирадан чиқиб кенгроқ оммавийлашуви, халфалар дастурлари ва дасталарининг пайдо бўлиши кўплаб кузатилмоқда. Халфалари каби ўзбек халқ оғзаки ижоди наъмуналарини куйга солиб куйлаб, ўзининг бекиёс ҳофизаси билан эл орасида ном ва шухрат қозонган халқ ижрочиларини юртимизнинг деярли барча гўшаларида кўплаб учратиш мумкин. Жумладан, бизнинг кўҳна ва навқирон Бухорода ҳам катта-ю кичик ҳофизалар Олияхон, Тўфахон ва уларнинг издошлари Бухоро халқ-куй кўшиқларини маҳорат билан ижро этиб, унинг доврўғини кенг оламга ёйишда ўз ўрнига эга бўлишди. Халқ кўшиқларининг ижросига ҳар бир жойнинг урф-одати табиий шароити ҳам маълум даражада таъсир кўрсатади. Шунинг учун халқ кўшиқлари турли воҳаларда турлича мусиқавий оҳангларда куйланади. Рақс ҳаракатлари ҳам деярли фарқ қилади. Масалан, Хоразм воҳасида халқ кўшиқлари кўпинча ўйноқи, тез суръатли оҳангда куйланса, Фарғонада, аксинса секин суръат билан жўшқин оҳангда ижро этилади. Бухорода эса халқ кўшиқлари, асосан, динамик овоз билан секин темпдан жонли темпга ўтиб боради. Шу жиҳатдан қараганда ўзбек халқ кўшиқларининг куйланиши бўйича юртимизнинг барча воҳаларида ўзига хос ижрочилик мактаби яралган ва уларнинг ҳар бир ўзига хос ижро усул ва услубларига, чолғу асбобларига ҳамда рақс кўринишларига эга.

Ўзбек халқ кўшиқлари ижросида обрў қозонган ва бу борада ўзига хос мактаб ярата олган профессионал кўшиқчилар сафи кундан-кунга ортиб бормоқда, жумладан улар орасида Ота Ғиёс Абдуғаниев, Ота Жалол Носиров, Домла Ҳалим Ибодов, Олияхон Хасанова, Тўфа Пинхасова, Муҳаббат Шамаева, Изро Малаков Маъди Ибодов кабилар номини алоҳида тилга олиш мумкин халқ кўшиқлари турли жанрларда ва турли мазмунларда яратилган бўлиб уларни ижро этишда, албатта ижтимоий муҳит ва шароит ҳисобга олинади. Шунинг учун “Алла” кўшиғи ҳеч қачон никоҳ пайтида ёки “Келин салом” ҳеч қачон бешик олдида куйланмайди.

Кейинги вақтларда шу нарса маълум бўлдики, ижрочи санъаткорлардан кимни халқ кўшиқларига, ўз репертуарида қанча кўп ўрин ажратса унинг ижрочилиги тез шухрат топади ва тез оммалашиб кетиб, машҳур бўлади. Бунга эса халқ кўшиқларининг оҳангдорлиги, ўйноқилиги, самиймийлиги ва жўшқинлиги сабаб бўлади. Кўшиқ ҳар қаерда, ҳар қандай пайтда кишиларга йўлдош бўлган сўз санъати бўлиб, у ҳамиша мусиқий характер касб этиши билан бошқа оғзаки бадиий ижод жанрларидан фарқланиб туради. Халқ кўшиқлари шаклан қисқа ва ихчам, образлари ёрқин, иборалари ўткир, жумлалари оҳангдош бўлгани боис вазн ўлчовида равонлик ва оҳангдорлик ҳосил қилади ва шулар

учун киши хотирасида тез ўрнашиб қолиб, тез тарқайди. Енгил, оммабоп бўлган кўшиқлар куй, оҳанг ҳам касб этади ва асосан куйлаб, ўйин билан ижро этилади. Кўшиқлар одатда тўртликлардан иборат яхлит банд ва нақорат кўринишида тузилган бўлади. Халқ кўшиқлари ўзининг соддалиги, жозибadorлиги, мусиқавий оҳангдорлиги, рақсбоплиги туфайли киши қалбига ва руҳиятига тез таъсир кўрсатади. Шунинг учун халқ кўшиқлари ижросида ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам, кўп музожаат қилинади.

Ўзбек халқ кўшиқлари ўзига хос ижрочилик усулларига эга. Ўзбек халқ кўшиқлари ижрочилигининг асосий белгилари эса қуйидагилар эканлиги кузатилади:

1. Ўзбек халқ кўшиқларининг барча жанрдаги наъмуналари ўзига хос мусиқавий табиатига ва ижро ўрнига эга бўлиб, улар ижросига асар мазмуни ва ғояси етарли даражада таъсир этади. Натижада ҳар бир жанр ўз матни, мазмунига мувофиқ келувчи оҳангда (ўйноқ, қувноқ ҳаракатли куй билан ёки ҳазил, мунгли мусиқа билан) куйланади.

2. Ўзбек халқ кўшиқлари куй оҳангги жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Ҳатто уларнинг айримлари ўзига хос махсус ритм ва оҳангда анъанавий характер ҳам касб этади. Бинобарин, аллалар, ёр-ёрлар, келин саломлар ва ҳ.к кабилар ўзбек халқ кўшиқлари ҳамisha бир хил специфик оҳанг билан куйланади.

3. Ўзбек халқ кўшиқлари ҳаракат билан боғланиши ёки боғланмаслиги жиҳатидан рақсли ва рақсиз кўшиқлар билан тафсиқланади.

4. Рақс ва куй ўзбек халқ кўшиқларининг кенгроқ оммавийлашувига ҳамда энг муҳими, уларнинг мазмун моҳиятини чуқурроқ очиқ беришга таъсир доирасини кенгайтириб унга яқиндан ёрдам беради.

5. Ўзбек халқ кўшиқлари ижрочилигида мусиқа асбобларининг ўзига хос ўрни ва аҳамияти мавжуд, бироқ ҳамма халқ кўшиқлари ҳам мусиқа асбоблари жўрлигида куйланаверилмайди. Жумладан, меҳнат кўшиқлари ва аъза кўшиқлари ҳеч вақт мусиқа асбоби билан куйланмайди, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Халқ кўшиқлари ижрочилигида, одатда, рубоб, доира(даф), дутор, танбур, ғижжак, най, сунрай каби мусиқа асбобларидан фойдаланилади. Баъзи халқ кўшиқлари фақат ва фақат битта чолғу асбоби жўрлигида куйланса, айримлари бир неча мусиқа асбоби билан ижро этилади.

6. Халқ кўшиқлари ижросига ижтимоий муҳит ҳам етарли даражада ўз таъсирини ўтказади, бунинг натижасида бир жанрдаги кўшиқ бошқа жанрдаги кўшиқ ўрнида куйланади ва жанрий кўчиш ҳодисаси юз беради. Ёки халқ кўшиқлари замона зайли билан замона руҳига мослаб янгича куйлар жўрлигида ижро этилади. Лекин шундай бўлсада, унинг илк ижросига хос махсус оҳангги қисман бўлсада сақланади.

7. Ўзбек халқ кўшиқларининг аксарияти хотин-қизлар томонидан куйланади ва яратилади.

Ўзбек халқ кўшиқлари ижрочилари гақараб ҳам тавсифланади. Яъни, улар аёллар ва эркаклар томонидан куйланадиган кўшиқлар шаклида иккига бўлинади. Ёки катталар билан болалар кўшиқ ижрочилиги ҳам бир-биридан кескин фарқланади. Хуллас, ўзбек халқ кўшиқлари ўзига хос ижрочилик усулларига эга бўлиб, уларнинг ижроси ҳатто юртимизнинг турли жойларида турлича эканлиги билан диққатга сазавордир.

Ha do`rsa - do`rsa, do`rsa

Xalq qo'shig'i
To'xtasin Rajabov notaga olgan

$\text{♩} = 110$

Ha do`r - sa-do`r - sa, do`r - sa, O - ta - si bo-zor - ga bor - sa. Gosh-tu, bi-rinj kel-tir - sa-ye,
O - na - si pa-zan - da bo`l - sa. Gosh-tu, bi-rinj kel-tir - sa-ye, Bo-la - si xo`-ran - da bo`l - sa.
Tugatish uchun.
Bo-zor - dan ol - dim ma - yiz, Bun - cha bu bach - cha a - ziz. Bu bach - cha - ni
a - ziz qil - gan O - ta - si ham be - ta - miz. Be - ta - miz. Be - ta - miz.

Ha do`rsa - do`rsa, do`rsa.
Otasi bozorga borsa.
Go`shtu - birinj keltirsa - ye,
Onasi pazanda bo`lsa.
Go`shtu - birinj keltirsa - ye,
Bolasi xo`randa bo`lsa.

Bozordan oldim poza,
Buncha bu bacha toza.
Bu bachani toza qilgan,
Onasi ham ozoda.
Bu bachani toza qilgan,
Onasi ham ozoda.

Ha dika - dika, dikosi,
Magazinni viskosi.
Olib bersin dadasi,
Tikib bersin onasi.
Olib bersin dadasi,
Kiyib yursin bolasi.

Bozordan oldim mayiz,
Buncha bu bachcha aziz.
Bu bachchani aziz qilgan,
Otasi ham betamiz,
Betamiz, betamiz.

Адабиётлар.

1. JB Sattorovna, SN Oxunjonovna, NK Chuliboevna, RT Ibodovich. Basics of Uzbek Children's Reading. Test Engineering and Management 81 (11-12), 4207-4214.
2. ТИ Ражабов. Тематическая классификация узбекской детской народной музыки и игр. Наука, образование и культура, 61-63.
3. ТИ Ражабов, УР Ибодов. Обеспечение национального наследия в обучении песням бухарского детского фольклора на уроках музыки. Вестник науки и образования. Стр. 55-58.
4. MB Kh, TI Rajabov, FG Nurullaev. Teaching Bukhara children folk songs in music lessons as an actual problem. International Journal of Psychosocial Rehabilitation 24 (04), 6049-6056.
5. ТИ Раджабов. Описание вековых ценностей в песне " тутовое дерево-балх" и его место в воспитании учащейся молодежи. Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные. Стр. 70-71.
6. ТИ Ражабов. Педагогические возможности использования детских фольклорных песен в духовно-нравственном воспитании младших школьников. Вестник науки и образования. Стр. 34-37.
7. ТИ Ражабов. Тематическая классификация узбекской детской народной музыки и игр (3 (47)), 61-63.
8. T Rajabov. Educational importance of folk songs in primary education. Web of Scientist: International Scientific Research Journal 1 (01), 72-79.
9. Т Ражабов. Формирование и развитие узбекской народной лирики. Вестник института культуры детства 20 выпуск Материалы Всероссийской. Стр. 170-176.
10. Т.И Ражабов. Мақтабда мусиқа таълимида фольклор қўшиқларининг ўрни. Тошкент давлат педагогика университети. Илмий-назарий ва методик журнал. Стр. 122-126.
11. Т.И Ражабов, О.Р. Ибодов. O'zbek Xalq Musiqa Merosda O'quvchilarni Vatanparvalik Ruhida Tarbiyalash Vositasi. Ижтимоий Фанларда Инновация онлайн илмий журналы 1 (6), 139-145.
12. R.T Ibodovich. The educational significance of children's folk songs in music culture lessons.
13. Т.И Ражабов. Ўқувчи-ёшларга ўзбек миллий мусиқа фольклори намуналари воситасида эстетик тарбия бериш. Science and Education 2 (11), 1094-1103.
14. ТИ Ражабов. Усовершенствование научно-методических возможностей обучения бухарским детским фольклорным песням в средней общеобразовательной школе. Наука, техника и образование, 84-86.

15. TI Rajabov. Uzluksiz talimda folklor qo'shiqlarini ijro etishhig o'ziga xos uslublari. Scientific progress 1 (5) Стр. 581-585
16. TI Rajabov. Uzum ʻorta taʻlim maktablari musiqa darsida erkalama qʻshiklarni ijro etish xususiyati. (1-4 sinflar. Modern scientific research journal. International Scientific Journal. ISSUE ...
17. TI Rajabov. Описание вековых ценностей в песне “Тутовое дерево - балх” и его место в воспитании учащейся молодёжи. Международные образовательные и социально – культурные технологии: векторы ...
18. TI Rajabov. Бухоро болалар фолькор қўшиқларини ўргатиш орқали укувчиларни маънавий ахлоқий тарбиялаш .“Бухоро Шашмакоми: тарихий-назарий ва амалий масалалари”, 2 бет.
19. TI Rajabov. Тасаввуф илмининг жамият тараққиётига таъсири. The universal significance of scientific-spiritual heritage of khojacon ...
20. TI Rajabov. Изучение узбекских фольклорных народных песен и их психологической влияние. Вестник института культуры детства Материалы Всероссийской научной ... Стр. 149-152.
21. T Rajabov. Бухоромуғанийлари. Монография.
22. T Rajabov. Халқ қўшиғи ва musiqa ижрочилиғи. Илмий рисола.
23. D Razhabov, T Razhabov. Формирование и развитие узбекской народной лирики formationanddevelopmentofuzbekfolklyrics. ББК 74. 484ж (о) М 431, 207.
24. TI Rajabov. Ўзбекистон этнографиясининг бугунги кундаги ахамиятида жаҳон олимларининг ўрни. “Олий таълимда дарсдан ташқари машгулотлар–талабаларнинг касбий ... Стр 149-151.
25. Rajabov T. Тўраев Ф. Муסיқага фидойи устоз. Бошланғич таълим., 3 бет.
26. Rajabov T. Самарали ижод соҳиби. “Санъат фарзанди” Рисола. Бухоро давлат университети Муסיқа таълими ... Стр . 60-64.
27. Rajabov T. Миллий меърос мазмунида маданият ва санъат тараққиёти (Бухороча софи ош мисолида). Стр . 65-69.
28. Rajabov T. Муסיқий фольклор-ёшлар тарбия воситаси сифатида. Тошкент Давлат Педагогика Университети илмий ахборотлари, 274-277.
29. Rajabov To'xtasin Ibodovich. Aesthetic education of students through national values (on the example of bukhara children's folklore). European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 11, 2020 Part II ISSN 2056-5852. Стр . 237-240.
30. Rajabov T. Муסיқа дарсида Бухоро болалар фольклор қўшиқларини ўргатишда ворисийликни таъминлаш. Modernscientificresearchjournal. InternationalScientificJournal. ISSUE ...10 London 2019

31. TokhtasinIbodovichRajabov. JakhongirIkhtiyorovichRajabov. The Formation of Spiritual and Moral Qualities of Students through Folk Songs is an Urgent Pedagogical Problem. European Journal of Innovation in Nonformal Education (EJINE) Volume 2 | Issue 1 | ISSN: 2795-8612. 2022 131-135 БЕТ

32. Тўхтасин Ибодович Ражабов.Халқ кўшиқлари орқали ўқувчи- ёшларда миллий тафаккурни шакллантириш омили.Journal of Advanceh and Stability Volume:02 Issue:01/2022 ISSN: 2181-2608.364-368 бет.

33. Saloydinov, S. Q. (2021). Paxta tozalash zavodlarida energiya sarfini kamaytirishning texnik-iqtisodiy mexanizmini yaratish. "Academic research in educational sciences", 2(9), 886-889. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-9-886-889>

34. Saloydinov, S. Q. (2021). [Creation of feasibility studies to reduce energy costs in ginneries](#). "Экономика и социум", 9(88), 147-149.

35. Салойдинов, С. К. (2021). [Образовательные кредиты в Узбекистане](#). "Экономика и социум", 12(91), 470-472.

36. Салойдинов, С. К. (2021). [Спрос на рынке дифференцированных продуктов](#). "Экономика и социум", 12(91), 473-476.